# ИНСОН ЙЎЛ ИЗЛАЙДИ

***Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ва танқидчи Раҳимжон Раҳмат суҳбати***

**Р. Раҳмат:** — **Озод ака, испан файласуфи Ортега Гассетнинг эътироф этишича, йигирма, қирқ ва олтмиш ёшлиларнинг дунёқараши, маънавий-ахлоқий ҳамда эстетик идиаллари орасидаги зиддият, келишмовчилик жамиятнинг ўсиши, ўзгариши ва ривожланишини таъминлайдиган муҳим ҳаётбахш кечим экан. Собиқ совет тоталитар давлатида битта мафкуранинг жамиятнинг барча соҳалари устидан қатъий ҳукмронлиги туфайли мана шу ҳаётбахш кечим тўхтаб қолди. Бир авлод иккинчи авлодга ўз дунёқараши ва турли хил ақидаларини эстафета таёқчаси каби узатарди. Ҳозир эса аҳвол бошқача: фикрлар эркин бўлди. Ҳар бир авлод вакиллари ўз кўнгил эҳтиёжларига мос йўсинда бемалол фикр юритаётир. Айтмоқчиманки, кун сайин қизиб, сифат жиҳатдан юксалиб бораётган адабий баҳс — XX аср ўзбек адабиёти хусусида билдирилаётган хилма-хил, баъзан консерватив, баъзан радикал ва гоҳо нигилистик кайфиятдаги фикрларни нормал ҳодиса ҳосиласи деб биласизми?**

**О. Шарафиддинов:** — Албатта баҳссиз, мунозарасиз адабиёт ва умуман, барча соҳалар ҳам олға силжий олмайди. Биласизми, Раҳматжон, собиқ совет давлатида Гассетнинг асарлари ман қилинган эди. Гассет авлодлар орасидаги конфликт деган бир назария муаллифи ҳисобланади. У шундай дейди: турли авлодлар орасида ҳамиша фикрий тўқнашувлар юз бериб турадики, бу нарса жамият тараққиётига туртки беради. Собиқ совет давридаги эътиқодга кўра, оталар ва болалар орасида конфликт бўлиши мумкин эмасди. Чунки катталар ҳам, ёшлар ҳам марксистик дунёқараш йўлидан чиқолмасди. Шўролар давридаги бадиий тафаккурнинг энг заиф жойи унинг зиддиятдан холи эканлигидадир. Бир хил қолип, бир хил шаклда фикр юритишга ҳаракат қилинар ва бундан бошқача бўлиши мумкинлигини биров ўйлаб кўрмасди.

Аввал ҳам йигирманчи аср адабиёти ҳақида кўплаб баҳслар бўлган. Лекин уларда адабиётнинг бош мақсади, вазифаси нимадан иборат деган катта саволлар қўзғолмаган. Адабиёт халқ учун, ватан учун, коммунизм учун хизмат қилади, деган ақидалар аксиома эди. Яъни булар мунозарадан ташқари ҳисобланган. Мунозаралар асосан жузъий масалалар устида кечарди. Лекин баҳс адабиётнинг асосларига қаратила бошланса, дарҳол тўхтатилган. Адашмасам эллигинчи йилларда эди. «Новий мир» журналида Помиранцев деган бир адабиётшуноснинг «Адабиётда самимийлик» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Мақола маҳорат билан ёзилган эди. Унда бадиий асарнинг биринчи шарти самимийлик, самимиятдан маҳрум асарнинг бадияти ҳам заиф бўлади каби фикр илгари сурилган эди. Тезда унинг тарафдорлари ҳам топила қолди. Бироқ бир мунча вақт ўтиб баҳс кескин тўхтатилди. Айтдиларки, асарда самимийлик биринчи ўринга чиқса, ғоявийлик қаёқда қолади? Ёзувчи коммунизм эмас, бошқа ғояни самимий тасвирласа-чи? Хуллас, шундай хулосалардан кейин баҳс тўхтатилиб, самимият тарафдорларининг номи «қора рўйхат»ларга тиркалди.

Мана энди фикрлар эркин бўлди. Айниқса бадиий тафаккур йўлидан катта-катта тўсиқлар олиб ташланди. Барчамиз адабиётимиз босиб ўтган йўлни объектив идрок этишга уриняпмиз. Лекин тўғри идрок этаяпмизми, нотўғрими, бу бошқа масала. Баҳс қанчалик кескин ва фикрларга бой бўлса шунча яхши.

**Р. Раҳмат:** — **Домла, хабарингиз бор, Достоевский оқпошшони Кавказ ва Осиёга ҳарбий юришлар қилишга даъват этиб мақолалар ёзган. Лекин унинг бундай сиёсий ғояси асарларига кўчиб ўтмаган. Яъни у Осиёни босиб олиш лозим деган ғояни асос қилиб бадиий асар битмаган. Соц. реалист ёзувчиларнинг ижодларида эса бунинг аксини кўрамиз. Улар бир мамлакат қисмати учун маъқул бўлган ижтимоий-сиёсий ғояларини асар марказига олиб чиқишга уринадилар.**

**О. Шарафиддинов:** — Россия Осиёни босиб олиб, у ерга маданият олиб киради, бу нарса маҳаллий халқ ва умумгуманизм учун фойдали, деб ўйлаган Достоевский. Бундай ўй тубдан нотўғри. Дунёда фақат Европа маданияти бор эмас. Осиёнинг ҳам умумжаҳон қадриятларига мос келадиган ўз маданияти бор. Назаримда қолоқ кўринган баъзи халқларнинг ҳам ўз маданиятлари бор. Эҳтимол, уларнинг урф-одатлари, яшаш тарзлари бизга ёқмас, шу боис уларни маданиятсиз дейиш — хато.

Достоевский ўз романларида инсониятни ниҳоятда қийнайдиган, жавоб топиш ҳаддан зиёд қийин, оғир бўлган масалалар устида бош қотирган. Инсон моҳиятан ёвузми ёки эзгу, ўлим деганлари қандай синоат экан, бирдан-бир ёлғиз тўғри йўл қайси, инсон идиал мақсадига эришсин, қалб эррозияларининг сабаби нима каби муаммолар гирдобига боши билан шўнғиган Достоевский. Л. Толстойнинг «Тирилиш» асарини олайлик. Княз Нехлюдов Катюшани фоҳишалар орасида кўргандан кейин қачонлардир енгилтаклик билан қилган гуноҳининг мудҳиш оқибатини кўради ва виждонида оғриқ пайдо бўлади. Боёқиш мол-дунёсини сарфлаб ҳам виждон қийноғидан халос бўлолмайди.

Собиқ совет даврига келиб адабиётнинг вазифаси бир томонлама талқин қилиниб, у янги жамият қуриш йўлида бир восита, қурол деб ҳисобланди. Ленин Горкийга «Она» романингиз ўз вақтида ёзилган асар, ишчилар шу пайтгача онгсиз курашарди, асарингизни ўқиб онгли курашадиган бўладилар, деб адабиётнинг ўта сиёсийлашувига йўл очиб берди. Маркснинг синфлар кураши ҳақидаги фалсафаси ҳам адабиётга нотўғри тадбиқ этилди. Хуллас, у бўлди, бу бўлди, бир бало қилиб адабиётни асл моҳиятидан узиб олдилар.

Айниқса, урушдан сўнг адабиётдан тирик одам деярли буткул сиқиб чиқарилиб, унинг ўрнида олдиндан белгилаб қўйилган ғоялар асосида фикр юритадиган қўғирчоқ одам пайдо бўлди. Хуллас, адабиёт инсон ҳаётининг қизиқарлилиги ва мураккаблигини акс эттиролмай қолди.

**Р. Раҳмат:** — **Маълумки, соц. реализм бир-бирига душман иккита ижтимоий синфлар орасидаги зиддиятга ишора эттувчи адабий методдир. Ўзбек адабиётида бу методнинг қарор топиши учун реал замин бормиди? Яъни ўша давр ва узоқ тарихимизни ҳаракатга келтирган асосий куч синфий келишмовчиликлармиди?**

**О. Шарафиддинов:** — Умуман, синфлар бор нарса. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Синфлар бор экан, синфий манфаатлар ҳам бор бўлади. Демак, ҳар бир синф ўз манфаати учун кураш олиб бориши тайин. Фожиа шу эдики, тараққиётнинг бирдан-бир йўли синфий кураш деб бу нарсага ҳаддан зиёд универсал маъно берилган. Ўз вақтида бу қарашнинг бир томонлама эканлигини англаганлар бор эди. Француз революционери Жорес шундай деган: «Энг ваҳшиёна ривожланиш йўли инқилобдир. Лекин ҳозирги инсон ривожланишнинг бундан бошқа йўлини кўролмаслиги мумкин». Синфий курашни жамиятнинг барча томонларини белгилайдиган омил деб билиш — хато. Бизнинг Туркистонда ҳам XX аср бошларига келиб синфий курашнинг заиф кўринишлари юзага келган эди. Лекин шугинага таяниб, адабиёт ўз методини тубдан ўзгартириши шарт эмасди. Умуман, мен айтаманки, XX аср ўзбек адабиёти моҳият-эътибори билан миллий уйғониш истаги адабиётидир. Ундаги бош пафос шу.

**Р. Раҳмат:** — **Соц.реализм чекланган метод эканлигини қачон илғай бошлагансиз?**

**О. Шарафиддинов:** — Мен бу ҳақиқатни анча кеч сездим. Бизнинг авлоднинг катта камчилиги шу эдики, ёзилган нарсаларнинг барини ҳақиқат деб билардик. Китобда ёзилган гаплар — ҳақиқат, газета хабарлари, — ҳақиқат, радиодан гапирилган гап — ҳақиқат, домлаларнинг айтган фикри — ҳақиқат ва ҳоказо. Гоҳо айрим расмий гапларни шубҳа остига олардик. Лекин шубҳамиз кучсиз ва ўткинчи бўларди. Урушдан кейин ҳар қадамда Сталин тилидан айтилган бир шиорга дуч келардик. Агар адашмасам у шундай эди: «Агар тинчлик ишини жаҳон халқлари ўз қўлларига олсалар, тинчлик ғалаба қозонади, агар қўлларига ололмасалар, тинчлик иши енгилади». Биз, яъни уч-тўртта талаба йигит бу сўзларни ўқиб, кулардик. Лекин жамиятдаги ҳоким тушунчаларни абсалют ҳақиқат деб билганимиз рост. Мустақил ўйлашга эҳтиёж сезмасмидик. Масалан, соц.реализм хусусидаги гапларни кашфиёт, янгилик деб ўйлардик. Соц. реализм тўғрисида кўплаб китоблар ўқидим. Лекин, барибир, пировардида унинг моҳиятини ҳеч тушунолмадим. Менинг назаримда, партиявийлик, халқчиллик, синфийлик, ҳаётнинг яхши томонларини улуғлаш, заиф туйғуларни тасвирлашдан қочиш ва шу кабилар соц.реализмнинг муҳим қирралари ҳисобланади. Лекин булар янги ижодий метод яралиши учун асос бўлолмайди. Янги метод жаҳон эстетикаси тараққиётида янги саҳифа очиши керак. Хўш, соц.реализм бадиият борасида қандай каромат кўрсатди? Шу саволга жавоб йўқ эди. Толстой танқидий реализмнинг чўққиси бўлса, соц.реализмнинг ҳам шунақа чўққиси бўлиши керакми?! Кўпинча Шолоховнинг «Тинч Дон»нини соц.реализм чўққиси деб ҳисоблайдилар. Менингча, бу асарнинг соц. реализмга алоқаси йўқ. Ўз ижодимда қизиқ бир фактга дуч келдим.

Камида беш мартта соц.реализм хусусида мақола ёзишга қасд қилдим. Дарсларда ва мажлисларда бу методнинг таърифини айтиш жуда осон эди, лекин мақола ёзишга келганда маъноли фикр тополмай, ўйланиб қолардим. Ҳозир ҳам уйимда ётибди ёзмоқчи бўлганим ўша чала мақолалар. Ғоявий планда соц. реализмни тушунтириш осон: партиявийлик, халқчиллик, синфий кураш ва ҳакозо. Лекин бадиият, санъат ҳодисаси сифатида ҳозир ҳам тайинли фикр айтолмайман. Ўйлайманки, катта ёзувчилар ҳам соц.реализм нима деган саволга очиқ ва аниқ жавоб беролмасдилар. Аммо ўзларини соц.реалист деб ҳисоблардилар.

**БАҲС**

Гап бошқа нарса — адабиётга қўйилган чеклов ва ман қилишларда эди. Бу ман қилишлар ошкора, яъни рўйхат қилиниб, мана бу нарсаларни ёзмайсан каби шаклда бўлмасди. Кўпинча илмийга ўхшаган иборалар остида пинҳон бўларди. Соц.реализмнинг ўзига берилган таърифда чеклаш, ман қилиш бор. Айтадиларки, соц.реализм воқеликни революцион тараққиётда кўрсатади. Бу нима дегани? Катта назариётчилар, жумладан, Луначарский буни шундай тушунтирган: ҳаётда камчиликлар борлиги аниқ, уларни қаламга олишинг ҳаққоний бўлиши мумкин.

Лекин камчиликлар, нуқсонлар — ўткинчи, улар бугун бор, эртага йўқ. Сен ҳаётни келгуси кун юзасидан ёритишинг лозим. Шу тариқа ҳаётнинг яхши томонларига диққат қилиниб, салбийларидан кўз юмилган.

Расмий кўрсатмалар ҳам бўларди. Сталиннинг шундай машҳур гапини эслайман: «Совет кишиси дунёдаги ҳар қандай буржуа жамияти одамидан бир калла юқори туради. Чунки совет кишиси ҳар қандай эксплуатация кишанларидан халосдир.» Бу тутуриқсиз фикрни ҳаддан зиёд аҳмоқона тусда суиистеъмол қила бошладилар. Масалан, Ойбек урушдан кейин «Қизлар» номли достон ёзди. Достонда бир кампир образи бор: тушларни такбир қилади, фол очади. Серажин бир кампир. Шунда бир танқидчи: бу нима деган нарса, нега совет кампирининг юзида ажин бор, деб ваҳима кўтарди. Шунақа, Совет одами қариганда ҳам янги очилган гулдай чиройли, тонгда узилган бодринг каби тетик, ақли кам кимса мисол доим қувноқ бўлиши лозим эди. Аниқроғи, адабиёт уни шундай тасвирлаши керак дейиларди. Совет кишиси образида кучли изтироб тугул озгина ҳазинлик бўлишига ҳам йўл қўйилмасди. Мақтаниш эмас, сохта камтарликни қўйиб, айтай: мен 1956 йил поэзия хусусида баҳс бўлганида, мақола ёзиб, дард билан ёзилади шеър, кўнгил изтироби поэзиянинг муҳим асоси бўлиши лозим, деб баралла айтганман.

Ҳолбуки, ўша пайтларда бундай мулоҳазаларни айтиш мумкин эмасди.

Кўнгил изтироби бадиий асарнинг илдизи эди. Соц. реализм ўз қоида ва чекловлари билан бу илдизни кесиб ташлаб, адабиётни суррогатга айлантирди. Ва адабиётнинг қадри бениҳоя тушиб кетди.

**Р. Раҳмат:** — **Менинг назаримда, домла, келгусида яралажак ўзбек адабиёти модерн ва тасаввуф адабиёти намуналаридан бир қадар илҳом олиши, таъсирланишига шубҳа йўқ. Аммо йигирманчи асрда ижод этган атоқли шоир ва ёзувчиларимизнинг соц.реализмга чап бериб ўтган энг яхши асарлари унинг асосий замини бўлажак. Бу реал заминга беписанд қараш, миллий бадиий тафаккурни энг зарур асосдан маҳрум этиши мумкин. Чунки XX аср адабиётида халқимизнинг муайян тарихий шароитидаги дунёқараши ва руҳининг тадрижий ўсиши акс этган.**

**О. Шарафиддинов:** — Бу фикрларингизга тўлиқ қўшиламан. Ҳар бир миллий адабиёт ўзининг миллий заминига эга бўлиши керак. Лекин унинг ўзи билан ҳам чекланиб қолиш нотўғри. Жаҳон адабиётининг умумий ривожи ҳар бир маданиятли адиб учун ўтилиши лозим бўлган бир транплиндир. Лекин ҳеч қачон бир мамлакатдаги эстетик ҳодисани бошқа бир мамлакатга зўрма-зўраки жорий қилиб бўлмайди. Бугунги кунда модерн адабиёти хусусида кўп гапириляпти. Шундан ўрганиш лозимлиги айтилаяпти. Баъзи бир ёзувчиларимиз модернизмга очиқчасига тақлид ҳам қиляптилар. Лекин бу жараённи тақиқлаш нотўғри. Ҳамма нарсани истеъдод ҳал қилади. Тақлид — ўз жонига қасд қилиш, дейдилар. Маркес, Жойс, Пруст, Кафка ёки Камю ва бошқа буюклар кашф этган бадиий тафаккур йўлидан юриб, туртиниб, қоқиниб, йиқилиб, яна ўзини ўнглаб, тақлид чангалидан шарт чиқиб кетиб, бировникига ўхшамаган, ўз услуби ўзгаларни такрорламайдиган эстетик дунёсини яратолган истеъдод қандини урсин. Биз учун энг қувонарли ва ҳал қилувчи нарса шуки, адабиёт сунъий кишанлардан халос бўлди.

Ғарб фалсафаси ва адабиётида экзистенциализм деган бир оқим бор. Менга маъқул келди шу оқим. Собиқ совет даврида уни буржуазия санъати, деб қоралаган эдилар. Экзистенциализм инсон ҳаётининг ҳамма томонларини қамраб олишга ҳаракат қилган. Дейди: инсон осон яраланадиган, қийин тузаладиган, осонгина йўлини йўқотадиган, қийналиб йўл топадиган, бу оламда ўзи билан ўзи жуда қаттиқ курашадиган бениҳоя зиддиятли ва мураккаб бир мавжудотдир. Инсон — учи йўқолган калава, ечими қийин тугун. Айниқса, шахснинг ўзи билан ўзининг аёвсиз кураши бизнинг адабиётда деярли акс этмаган. Шунақа. Кўнгилда «ё ҳаёт, ё мамот» қабилида даҳшатли кураш кечаётганлигини одамнинг ўзи ҳам равшан идрок этолмаслиги мумкин. Ижодкор мана шу ғаройиб жараённи чуқур идрок этиб, қоғозга тушира олиш қобилиятига эга. Инсон ЙЎЛ излайди. Ўзини ўзи таҳлил этади. Зиддият хуруж қилган пайт боёқиш ич-этини еб ташлайди, ўзини ўзи тамом қилади. Инсон, ҳаётдаги чигалликлар асоратидан қутилишга ҳаракат қилиб, уринади, роса азоб чекади. Инсондаги энг олий интилишлар оғир фожиага коришиқ ҳолда кечади. Лекин бизнинг адабиёт инсон кўнлидаги зиддиятлар ўпқонига деярли тушолмади; инсон талқини кўнгилдагидек эмас.

Аслида кўплаб ижодкорларимиз ўзларини соц.реалистмиз, деб ҳисоблаб, бундан фахрланиб юрган бўлсалар ҳам, аммо амалда ўзлари сезиб, сезмай бу методнинг қайсидир ақидасига чап бериб асар ёзишга ҳаракат қилганликларини сезиш унчалик қийин эмас. Ҳақиқий истеъдодни ҳаммадан кўп қийнаган бу метод. Истеъдод ҳар қандай «.. изм»лар ва методлардан устун турадиган ҳодисадир. Истеъдодни бу методнинг тор қолипига мослаштиришга уриниш — жиноят. Совет жамияти шундай жиноятга қўл урган.

**Р. Раҳмат:** — **Бадиий ижод ва ижодкор психологиясига қизиқиб кўрганмисиз? Фрейднинг ёзишича, муддатдан илгари жинсий етилиш ҳам кейинчалик инсоннинг ижодкор бўлишига сабаб бўларкан. Реал онгдан онг остига қувғин қилинган фикрлар, ўйлар, истагу хоҳишлар ижод манбаидир, дейди у яна. «Ўғлингиз келгусида адабиётчи бўлишини истасангиз , — деб ёзади ўрис муҳожир олими Лев Шестов, — уни тартиб билан ҳар хил дурдона асарларни ўқишга мажбур қилманг. Бефойда. «Бир иш чиқмайди. Яхшиси фарзандингизни тўртинчи қаватдан улоқтириб юборинг, ўлмай қолса, келажакда адабиётчи бўлиши мумкин. Ёки у биронта қизни қаттиқ ва умидсиз севиб қолсин, агар бу дард уни ўлдиролмаса, у шоирга айланади». «Наҳотки, шеър туғар эмиш аламлар», дейди Рауф Парфи. «Чўнг ларза юз берди қалбда ногиҳон», деб ёзган эди Абдулла Орипов. Бошқа бир шоир шеър ёзишни илон чаққан жойдан заҳарни сўриб олишга ўхшатади. Булар истеъдоднинг илдизи ҳақидаги гаплар. Истеъдод соҳибларининг ўзлари ҳам қизиқ. «Эсингда тут, мен ўлганимдан кейин, ҳеч кечиктирмай, ҳамма ёзганларимни ёқиб юборасан», деб васият қилган экан Кафка ўз дўстига. Артур Рембо оз муддат ижод этиб, тўсатдан шеъриятдан ҳам, ўз шеърларидан ҳам бутунлай юз ўгириб кетади. Ҳатто у «Мен ўзимдан ҳам воз кечдим», дейишгача боради. Кўпчилик шоирлар катта бойлик, гўзал ҳаёт ва баланд мартабага онгли равишда қўл силтаб, аксарият ҳолларда одамни моддий қашшоқлик ҳамда йўқсизликка гирифтор этиши муқаррар бўлган шеър йўлига кирганликларини ўқиганман...**

**О. Шарафиддинов:** — Мен бу хил масалаларга астойдил қизиққанман. Лекин уларга лўнда қилиб жавоб бериш мушкул. Бу масалаларни тўла-тўкис тушунтириб бероладиган универсал формула йўқ. Аввало шуки, ёзувчи нима учун ижод қилади? Илгари ёзувчи ва шоир халқ учун, ватан учун ижод қилади дердик. Бундай қарашлар реал заминдан узилган, пуч мулоҳазалардир. Тўғри, ижодкор кейинчалик «халқим», «ватаним» деб ўртаниши мумкин, бироқ бошида уни қўлига қалам олишга ундаган куч бутунлай бошқа нарсадир. Қизиқ-да. Ўнлаб йиллар давомида ёзганларини ҳеч қаерда нашр эттиролмаган ёзувчилар ҳақида ўқиганман. Улар, шунча йиллар давомида ёзганларини ёқиб юбориб, кейин анча вақт қаламларини қантариб, дам олиб, яна созини қўлга олганлар. Масалан, Балзакни олайлик. У «Инсон комедияси»ни ёзиб машҳур бўлгунича ўн йиллар давомида битган асарларини ҳеч ким тан олмаган, ҳеч қайси нашриёт қабул қилмаган. Ёки Жек Лондонни эслайлик. Унинг узоқ йиллар ёзган нарсаларини биров икки пулга арзитмаган. Тасодифан бир ҳикояси матбуотда босилиб чиқиб, шу ҳикоя сабаб унинг кўчасида ҳам байрам бошланиб кетади. Унинг заиф асарларини ҳам ўқувчилар талашиб-тортишиб ўқийдилар. «Тобутдан товуш» пиесасидаги айрим сўзларни ҳазм қилолмаган амалдорлар асарни саҳнага йўлатмай, қайта-қайта муҳокамага қайтариб юрган кунлари Абдулла Қаҳҳор йиғламоқдан бери бўлиб, ҳатто оғзига сўз олиб: «Нега мен ёзувчи қилиб яратилганман. Нега пешонам бунчалик шўр бўлмаса», деб жуда ёмон қийналган. Бу факт унинг руҳини аёвсиз куйдираётган изтироб алангасининг бир учқуни эди, холос. Айтмоқчиманки, катта ёзувчининг дарди ҳам улкан, оғир бўлади. Ёзувчи руҳиятига кира билиш керак.

Баъзилар ижоднинг асосида шуҳратпарастлик истаги бор, дейишади. Айримлар болаликда юз берган аллақандай фавқулодда ҳодиса кейинчалик одамни ижод этишга мажбурлайди, деб билади. Афсуски, ўзбек адабиётшунослигида ижод психологияси жуда кам ўрганилган. Мутахассисларимиз фалсафа ва психологияга доир китобларни деярли ўқимайдилар. Қандайдир чекланган мафкуравий ақидалар ва ўзларининг ҳаминқадар маиший турмуш тажрибаларига таянган ҳолда бадиий асарни таҳлил қилмоқчи бўладилар. Ўзбек танқидчилигининг энг катта фожиаси шу.

**Р. Раҳмат:** — **Домла, ҳозирги ўзбек танқидчилигининг муаммолари хусусида фикр билдирсангиз.**

**О. Шарафиддинов:** — Шўролар замонидан қолган юзаки, чекланган тафаккур ҳозир ҳам яхши томонга ўзгаргани йўқ. Танқидий тафаккурнинг ичкарисида бир эркинлик, эврилиш, бир гўзал силжиш юз бермаяпти. Эрк, эврилиш деганда битта-яримта янги сўз топиб айтишни назарда тутаётганим йўқ. Олимларимизнинг билими кам. Гўё бутун умр ўқиб ўрганасану, лекин охирида ўқиган барча китобларинг сариқ чақага қиммат бўлиб чиқади. Маълум бўладики, керакли, зарур, билишинг шарт бўлган китобларни ўқимабсан.

Ўз вақтида танқидчидан мустақил илмий-назарий дунё яратиш талаб қилинмаган. Унинг елкасидаги асосий вазифа асарни оддийгина шарҳлаш эди. Аниқроғи, ёзувчи ва шоир истеъдодини собиқ совет мафкурасига хизмат қилишга мослаштириш эди. Кўпинча танқидчилар бир-биримизни мақтаб, фалончи адабиётшуносликда мактаб яратди, деймиз. Бекор гап. Ёлғон. Жаҳон эстетикасида янги саҳифа дейишга арзигули мактаб яратган ўзбек адабиётшуноси борлигини билмайман.

**Р. Раҳмат:** — **Озод ака, охирги савол. Сиз китоб йиғишга ишқибозсиз. Ҳозир ҳам китоб магазинларини бир бошдан айланиб, даста-даста китоб сотиб оласиз. Шу яхши одатингизнинг илдизини илғашга уриниб кўрганмисиз? Қайси безовта туйғу, қонмаган истак сизни китоблар оламига етаклайди? Ҳаётнинг энг катта маъносини китоблар орасидан қидирасизми? Ёки шу йўл билан ўзбек адабиётидан кўнглингиз тўлмаётганлигини билдирмоқчи бўласизми? Балки дилингизга, дардингизга мос ҳамсуҳбат қидирарсиз?**

**О. Шарафиддинов:** — Китоб йиғишга ишқибозлигим сабабини энди-энди идрок этишга уриняпман. Шу одатимнинг замирида ғаройиб ҳақиқат яширинганлиги аниқ. Умуман, китоблар мен учун янги дунё эшигини очадиган сеҳрли калит. Янгиликнинг, янги нарсаларнинг ишқибозиман. Саёҳатни ёқтираман. Ҳамма вақт ҳам саёҳатга чиқишнинг имкони йўқ. Китоблар саёҳатга чиқиш, янгиликка дуч келиш истагимни бир қадар қондиради.

# КЎЗГУДАГИ ҚИЁФА

***Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам» ва «Тепаликдаги хароба» рўмонлари ҳақида айрим мулоҳазалар***

Омон Мухторнинг кейинги йилларда ёзган романлари анъанавий ижод маҳсулига ўхшамайди. Бу асарларда ёзувчининг олам ва одам хусусидаги концепцияси қаҳрамонлари онгида ўз ифодасини топади. Шунданми, уларни ўқиган киши романлар замиридаги ғояни илғаб олиши, қалбига сингдириши қийинроқ. Чунки бизнинг китобхон бундай типдаги асарга кўникма ҳосил қилмаган.

«Кўзгу олдидаги одам» романи бош қаҳрамони Вали асар сюжетини ташкил қилган Сирож муаллим ва учувчи Бадалбек ўлими сабабини аниқлашга қанчалик интилса, китобхон ҳам шунчалик билишга ҳаракат қилади. Бунинг сабаби роман сюжет чизиғини воқеа эмас, қаҳрамон онги, фикрлаш тарзи ташкил қилганлиги, тафаккури битта масалага йўналганлигидадир.

Романда Сирож муаллим ва учувчи Бадалбек шахси ҳақида бош қаҳрамон Вали шундай ахборот беради: «Дунёнинг қизиқлиги: учувчи далага қўшиб баъзан шаҳарга ҳам дори сепиб юрса, Сирож муаллим, умуман, дори сепишга қарши, ҳамма билан жанжаллашиб юради. Мана, энди иккиси бир ўлим оғушида ётибди!» Бундан кўринадики, улар иккаласи бир одам. Лекин бош қаҳрамони Сирож муаллимни яхши одам деб билади. У яна бир ўринда: «Миршаблар, терговчилар мабода эринмай суриштиришганда, мен... яна бир гап айтардим...

Сирож муаллим одамларга кам қўшилиб, жанжаллашиб юрса ҳамки, гўзал, олижаноб инсон эди! Бадалбек ўз ишини тўғри бажаришга уринган, ўз касбининг устаси эканига қарамай, ёвуз киши эди! Мен худди шундай дердим», дейди. Бу фикрдан сўнг китобхон қалбида Сирож муаллимга нисбатан меҳр, Бадалбекка нисбатан эса қаҳр юзага келади. Бироқ улар «осмон негадир ўз-ўзидан дарз кетиб, қоқ тўрт бўлакка ажралган» кунда ҳалок бўлишади. Орадан икки йил ўтгач, яна «Бир куни ёмғир ёғиб, бу гал куппа-кундузда пичоқ билан кесган сариёққа ўхшаб, осмон ўз-ўзидан тўрт бўлакка ажралган» куни Ширинкўлдан олисларга қулоч отган катта йўл бўйида жойлашган чойхонада Вали Сирож муаллимни кўриб қолади. Нима учун осмон тўртга бўлинганда иккала ҳодиса юз берди? Ширинкўлдаги бу аччиқ қисматнинг сири нимада? Чуқур мулоҳаза қилиб кўрилганда ёзувчи нияти аниқлаша боради: мазкур ҳодисалар рамзий маънога эгалиги ва унинг замиридаги ҳақиқат аён бўлади.

Осмоннинг тўртга бўлиниши бу тўрт қитъа. Унинг ҳам Европа, ҳам Осиё жойлашган қисмида бутун дунёга адолатли деб жар солинган собиқ СССР жойлашган. Ширинкўл эса шу ҳудуддаги шаҳардир. Воқеа худди шу ерда содир бўлади. Демак, роман собиқ социалистик жамият воқелиги ва шу жамият одамлари фаолияти ҳамда қиёфасини акс эттириш асосига қурилган.

Роман қаҳрамони Вали фаолиятида тоталитар тузумнинг олиб борган иш йўсини, сиёсати ва унинг оқибатида юзага келган, шаклланган одамларнинг асл қиёфаси кўринади. Асарнинг мураккаблиги шундаки, бу нарса очиқ айтилмайди. Бу ғайритабиий воқеалик ҳақиқат билан йўғрилгани учун унинг рамзийлиги унча сезилмайди. Аксинча, реал ҳаётда ўз хатти-ҳаракатлари билан киши қалбига ўтиришмайдиган кимсалар қилмишларининг туб асослари ойдинлашади.

Вали Сирож муаллим уйига унинг ўлган ёки ўлмаганлигини билиш учун борганда «оила аъзолари алланечук бахтиёр»лигидан таажжубга тушади. Муаллимнинг қизи Мамлакатхон унга беҳаёларча кўз сузади. Ҳар пайшанба эса бутун оила аъзолари аллақаёққа овга кетишади. Муаллимнинг хотини Сожидахон: «Муаллимингиз учун ҳозиргача муттасил қаердандир пул келиб турадир», дейди. Мамлакатхон Валини ўзига ром этиб, ундан ҳомиладор ҳам бўлади. Бир куни унинг эри Адҳамжон Валини учратиб: «Мен ҳаммасини биламан. Боланиям. Бошқасиниям!», дейди. Бундай ҳамиятсизликдан ҳайрон бўласиз. Ўтмишда ўз аёлигагина эмас, балки юртининг аёлларига тик қараган эркакни ёқасидан олган жўмард йигитларни кўз олдингизга келтириб, қани улар, деган ички нидо тилингизга келади. Сабабини билишга интиласиз. Мушоҳада қиласиз. Оқибатда бундай ҳамиятсизликнинг сабаби инсон қалбидаги иймон ва эътиқоднинг сусайиб кетганида, деган фикрга келасиз. Нега бундай бўлди, деган савол яна сизга тинчлик бермайди. Унинг илдизини топишга интиласиз. Бу интилиш Валисиз амалга ошмайди. Жумбоқнинг калити унинг хатти-ҳаракати орқали очилишини ҳис қилгач, у билан боғлиқ воқеаларни таҳлилдан ўтказасиз.

Вали Бадалбекнинг қизи Ҳанифага боғланиб қолади. Дастлаб, Ҳанифа Бадалбекнинг қизи бўлгани учун ундан ўзини тортиб юради. Лекин кўнгил ҳам узолмайди. Сабаби Ҳанифанинг вужудида қандайдир нур бор эди. Бу нур Валининг вужудига ҳам кўчиб, унда янги инсоний одатларни юзага келтиради. Ёзувчи бу билан миллий қадриятларнинг асоси бўлган Қуръон ва ҳадислар нуридан баҳраманд, поклик билан бино бўлган ва шундай асосда тарбия топган фарзандлар қалби инсонийлик туйғуларига йўғрилган бўлишини таъкидлайди.

Ҳанифа отаси ҳақида гапириб: «Биласизми, дадам эркин, мағрур киши эди. Ҳаётда бировга бўйин эгмасди. Ҳар кимнинг гапига киравермасди... Лекин унинг учун буйруқ муҳим, у аскар эди! Шундай тарбия олганди. Унга буюрилса бас, ўтга, сувга ташланарди! Қулга айланарди... Мен дадамни оқламайман. Шу билан бирга, айб фақат менинг дадамда эмас. Тушунинг!», дейди.

«Тушунинг!» сўзидаги хитоб фақат Валигагина эмас, китобхонларга ҳам қаратилган. Демак, Бадалбек аслида яхши одам бўлган. Лекин ўз эркидан бегоналашгач, буюрилган нарсани қонуний деб бажариб, одамларга ва табиатга кўп зарар етказган. Инсонийликка ва виждонига зид йўл тутган. Бу нарса ўз мевасини берган: тўнғич қизлари беҳушов, бўйинлари йўқ, бошлари елкаларига кўндириб қўйилгандай. Лекин Бадалбек ёши ўтган сари ўз хатти-ҳаракатининг салбий оқибатларини англай бошлайди, ҳаётда ўзи ва ўзига ўхшаганларнинг иши туфайли содир бўлаётган воқеадан виждони уйғона бошлайди. Бироқ ноилождикдан қийналади. Ҳанифа ана шу уйғонаётган виждоннинг маҳсулидир.

Сирож муаллим бошқа, у яшаб турган жамиятдаги кирдикорларга хайрихоҳлик билдиради. Ҳатто хўжайинларига ёқиш учун ташаббус кўрсатиб ҳам туради. Шундан ўзи яшаб турган жамият каби икки — зоҳирий ва ботиний қиёфага эга. У зоҳирий кўринишда ўзини зиёли, хоксор, аёлларни қадрлайдиган кимсадай тутади. Ботиний, яъни асл қиёфасида эса ўта қабиҳ инсондир. У инсонларнигина эмас, ўзи яшаб турган юртини ҳам эркин, озод бўлишини истамайди. Мустақил йўл тутишига ишонмайди. Унинг назарида ўз халқи, юрти бунга қодир эмас. У кўзгуда ҳам ўз зоҳирий аксини кўришни истайди. Лекин кўзгуни алдаб бўлмайди, у маҳак тошдай гап — кишида борини кўрсатади. Сирож муаллим кўзгуда ҳар сафар ўзининг асл қиёфасини кўрганидан аламидан уни синдиради. Унинг касри оиласига ҳам урган: биринчи хотини Маҳлуқодан қандайдир маҳлуқ туғилган (қилмиш-қидирмиш), кейинги оиласидагилар эса сиртдан йилтироқ, аслида ахлоқсиз ва ҳамиятсиздир. Ёзувчи учун бу оила бир тимсол: бу оила кирдикорлари тоталитар жамиятнинг асл қиёфасини кўрсатади.

Аёнки, собиқ СССРни дунёда энг адолатли, инсонпарвар, эркинлик асосига қурилган, тинчликсевар давлат деб жар солинарди. Аслида эса бунинг акси эди. Ўз қадри, мустақиллигини талаб қилган халқни турли баҳоналар билан ички низо чиқариб, тинчитиш баҳонасида яна тизгинни ўз қўлларига олар эди. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш уринишлар бор.

Асар қаҳрамони Вали Сирож муаллимни ўлгандан кейин ҳам пайдо бўлиши сирини билишга интилар экан, китобхон бу образга сингдирилган ёзувчи концепцияси моҳиятини англаб етади. Демак, Сирож муаллим ўлими манзараси собиқ тузумнинг бир найранги. Мустамлакачилик сиёсати мавжуд экан, бундай одамлар ўлмайди. Сирож муаллимлар ҳозир ҳам қайси бир жойда бел боғлаб хизмат қилаяпти. Сирож муаллим фаолиятига шундай ғоя сингдирилган.

Омон Мухторнинг «Тепаликдаги хароба» романи композицияси, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати, сюжетига асос бўлган воқеалар замонавий ўзбек насрида қўлланмаган янги усулда ёзилган. Негаки асарни қўлга олган китобхон тўғридан-тўғри қаҳрамон билан мулоқотда бўлмайди, балки унинг онги, тафаккури билан тўқнашади. Бошқача айтсак, ақл-идрокининг фаолияти орқали кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмас дунё — инсоннинг ботиний олами билан яқиндан танишади. Дарвоқе, инсон тафаккурининг имкониятлари чексиз. Демак, роман воқеалари кечадиган ҳудуднинг ҳам чегараси йўқ. Бош қаҳрамон Мирза Ғолиб тафаккури бир дарё мисол уммонга қараб оқади. Уммон эса олам каби кенгдир. Лекин бу олам абстракт эмас, романда ўз аксини топган воқеликка диққат қилинган сари у реаллашиб боради. Буни англаши учун китобхондан қаҳрамон ички дунёсини, қалбида кечаётган пўртаналарни, яъни инсоннинг ботиний оламини англаш иқтидори талаб этилади. Маълумки, ҳар ким ҳам бундай иқтидорга эга эмас. Роман эса ўқувчидан шундай оламга ва инсоният дунёсига онгли муносабатда бўлишни тақозо этади. Шундагина асарда илгари сурилган ёзувчи концепцияси англашади.

«Кўзгу олдидаги одам» романидан фарқли равишда «Тепаликдаги хароба»да тафаккур йўналиши руҳий олам инкишофига, яъни руҳий поклик, руҳий мардонаворликнинг ташқи оламга таъсир кучини, бу кучнинг моҳиятини очишга қаратилган. Зеро, қадимги диний-фалсафий асарларда «Ҳаётдаги энг катта жасорат руҳий ботирликдир», дейилади. Адиб ана шундай руҳий ботирлик тасвирида одам ва оламнинг покланиш асосини кўрсатади.

Умуман, «Тепаликдаги хароба» романи диний, фалсафий-ахлоқий йўналишдаги шарқона асарлар йўлида ёзилган, десак тўғри бўлади. Ҳозирги кунда Яссавий, Кубро, Нақшбанд, Ҳусайн Кошифий таълимотларини ўзлаштиришимиз бир қадар қийин кечаётгани сир эмас. Чунки биз бу борада олдин билим ва тарбия олмаганмиз. Мазкур асар замиридаги ёзувчи концепциясини китобхон англаб олиши қийинлигини сезганиданми, муаллиф ўз мақсадини ошкора тушунтиришга уринган, гоҳида рамзий қаҳрамонларининг кимлигини адабиётшунос каби шунчаки таъкидлашга киришиб кетган ўринлар бор.

Хўш, адиб нима учун қаҳрамонлари — Лутфий, Машраб, Байронларнинг кимлигини англатишни истайди?! Чунки улар ҳаётда адолат, ҳақиқат қидиришган, шу учун курашган буюк инсонлар. Бироқ ҳақиқат сири моддий дунё, ижтимоий ҳаётдан эмас, инсоннинг ўз қалбида, одамлар руҳида, дейди муаллиф. Романнинг бош қаҳрамони Мирза Ғолиб Катта Йўлга йўл излайди. Лекин туқайзор ичидан бу йўлга чиқа олмайди, йўл тополмайди. Бу йўлни замондошлар бир асрдан кўп вақтдан бери қидиради. Айниқса, мазкур Йўлга олиб борадиган сўқмоқ октябр тўнтаришидан сўнг чим, тиканлар билан кўмилиб кетди. Чунки руҳимизни адолат, ҳақиқат туйғуси тарк этди, уни ботирликдан кўра кўпроқ қўрқоқлик туйғуси қамраб олди.

Мирза Ғолиб тўқайзорда, демак, ўтмиш ва бугунги кун билан боғлиқ ҳаётнинг мураккаб чигалликлари орасида гангиб юриб, кишини сергаклантирадиган маконга — Тепаликдаги харобага дуч келади. У ҳарчанд Қиблага — покликка йўналмасин, харобага дуч келаберади. Бу ҳолнинг заминида икки рамзий маъно яширинган. Қаҳрамон Қиблага етиша олмайди, чунки у ҳали бунга муносиб эмас. У руҳий камолотга эришолмаган. Иккинчи рамзий маъно шуки, ҳар қандай инсоннинг борар жойи, абадий макони бир, бир хилда қурилган. Шундан ҳаётда ўзини ўзгалардан устун қўйиши, адолатсизлик қилиши ножоиз. Унинг ҳисоб-китоби бордир. Бу ҳақиқат Мирза Ғолибнинг имкониятн ночорлигини билиб туриб, адолатсизлик қилган Мардонқул ака, дўстларининг аҳволидан хабардор бўлган Тенглаш ва Ҳакимжон кабилар фаолияти мисолида очиб берилади. Бундайлардан ҳаёт ўчини олади.

Роман сўнгида автобусда келаётган Мирза Ғолибга хотини Мастура билан бирга ишлайдиган жувон шундай дейди: «Мастура опамни кўзи ёриди, Ўғил! Лекин жуда қийналдилар. Бир ўлиб тирилдилар! Ҳозир яхши... Эртами, индин жавоб берса керак! Сизни табриклайман...». Нима учун индамас Мастуранинг иши ўнгидан келди. Чунки у соф ва пок шахс. Унинчини битиргандан бери фабрикада ҳалол, қаноат билан ҳеч бир таъмаларсиз меҳнат қилади. Одамларга меҳри ҳам самимий ва табиий. Мирза Ғолибнинг зиёли дўстлари — Тенглаш, Ҳакимжонлар эса оқибат кўрсатмайдилар. Чунки улар ҳамма нарсани англаб туриб нафсга бериладилар. Мирза Ғолиб ҳам ўз адаши улуғ шоир Мирза Ғолиб даражасида эмас. Шоир ниҳоятда виждонли, қайсар, ўз қадрини биладиган шахс бўлган. Асар қаҳрамонининг эса руҳи шоир даражасида ботир эмас. Шундан ҳаётида меҳнатига яраша қадр топмайди. Бу борада унинг дўсти Лутфулла ибратли, чунки унинг хусусиятлари адаши Лутфийга ўхшайди, у руҳий баркамол инсон. Мирза Ғолиб мақсадга эриша олмайди. Буни ёзувчи шундай изоҳлайди: «...мақсадга эришмаган, эришолмаган... эришолмайдиганга ўхшар эди! Нега?! Унинг ҳаётида чинакам муҳаббат етишмагани... Юртни, ҳаётни, одамларни севмоқ учун, Оллоҳни севмоқ учун — қонингда худбинликни қатра-қатра ўлдурмоқ, фидойи бўлмоқ, энг аввал — бир жонни севмоқ мушкул, айниқса, Оллоҳни севиб бўлмайди!»

Мирза Ғолиб бундай инсон бўла олмайди, чунки собиқ совет даврида тарбия топган. Шундан у Катта йўлни тополмайди, унга чиқолмайди. Унинг тўқайда азоб-уқубат тортиши, Тепаликдаги харобага дуч келиши қалб поклиги, руҳ ботирлигига эришишга даъватдир.

Хулоса қилиб айтганда, Омон Мухторнинг янги услубда, янги тамойилда асарлар ёзганини табриклаш лозим. Лекин янгича услуб бу бадиий асар билан илмий асарнинг омухтаси дегани эмас. «Тепаликдаги хароба» романида тез-тез дуч келганимиз — бу унчалик қовушмаган омухталик китобхоннинг асарга бўлган иштиёқини сусайтиради. Адиб бундан фориғ бўлмоғи даркор.

**Ҳакимжон КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

# МУСИҚА ТАРБИЯСИ — ИНСОН ТАРБИЯСИ

**ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР**

Халқимизда «Қўшиқ халқнинг жонли тарихидир», деган доно фикр юради. Шу маънода ўзбек мусиқа тарихи ҳам бебаҳо аҳамиятга эга. Ўзбек мусиқа тарихига мурожаат қилсак, у жаҳондаги энг бой мусиқа меросидан бири эканлиги маълум бўлади. Фақат «Шашмақом»нинг биринчи магнит ёзувини 138 соат мобайнида тинмай тинглаш мумкин экан. ЮНЕСКО ташаббуси билан Шарқ мусиқаси меросини ўрганиш юзасидан симпозиумлар жумҳуриятимизда ўтказилиши бежиз эмас.

Кейинги йилларда мусиқа санъатимизда катта ўсиш, ривожланиш рўй берди. Ўзбек мусиқа санъатида янгилик бўлган опера, симфония, хор, балет, кино мусиқаси ва бошқа бир қанча жанрлар кириб келди. Шунингдек, мусиқали драма асарларига ёзилган, телевидениеда қўйилаётган видеофилмлар учун ёзилаётган асарлар ҳам мусиқа маданиятимизда ўз ўрнига эга.

Ўзбек халқ чолғу асбобларини қайта ишлаш ва такомиллаштириш орқали эса ўзбек мусиқасида янги йўналиш — чолғу асбоблари оркестри таркиб топишига асос солинди. Замон талабларига монанд ўзбек миллий эстрадасини жаҳон миқёсига олиб чиқолган, эстрада санъатида ўзига ҳайкал қўя билган буюк санъаткор Ботир Зокировнинг хизмати алоҳида таҳсинга лойиқ!

Ана шундай ўзгаришлар, ривожланишлар жараёнида жумҳуриятимизда мусиқа тарбиясига оид катта амалий ишлар ҳам йўлга қўйилаётгани маълум. Лекин республикамизда кўп тармоқли мусиқа санъатини тарғиб қилиш учун куч ва имконият бўлса-да, кенг халқ оммасининг мусиқа билим савиясини яхши деб айта оламизми?

Саволни бундай қўйишимизга турли тоифадаги мутахассислар, ҳар хил билим даражасига эга бўлган кишилар билан мусиқа ҳақидаги айрим савол-жавоблар сабаб бўлди. Айтайлик: «Ўзбекларга опера, симфония ёки сюитага ўхшаш жанрлар керакми? — деганга ўхшаш саволларни ҳатто мусиқа таълими билан шуғулланадиган кишилардан ҳам эшитганимда, ҳайратга тушдим.Шунда уларнинг бу ҳақдаги фикрларини эшитиб, ечилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлигини ҳис этдим. Аввало, бундай саволларнинг келиб чиқиш сабабларини билиш лозим. Чунки бу биринчи галда муҳит, шароит билан ҳисоблашмай, мумтоз мусиқа меросимизни пухта эгалламай туриб, ўзбек мусиқа санъатида янги жанрлар яратмоқчи бўлганларнинг «хизматлари» самарасидир. Ахир, ўзбек халқ мусиқа меросидан беҳабар одам қандай қилиб халқчил асар ярата олиши мумкин? Яқин вақтларда ҳам айрим композиторларни кўкларга кўтариб келдик: 200 дан ортиқ филмга мусиқа басталади, фалонча асар яратди, деб. Ҳолбуки, ўшандай композиторлар ўзбек тилини, урф-одатларини мутлақо билмас, билишга интилмас эди. Эҳтимол шунинг учун янги жанрлар халққа сингмагандир.

Нима бўлганда ҳам, ўзбек мусиқасида янги жанрларнинг вужудга келиши яхши. Аммо бунда объектив ва субъектив шарт-шароитларни унутмаслик керак эди.

Собиқ шўро даврида муҳим тадқиқотлари билан кўзга кўринган Санъатшунослик институти олиб борган ишлар ҳар қанча таҳсинга сазовор. Бу даргоҳда олиб борилган илмий ишлар натижасида биз ўзбек ва бошқа туркий халқлар мусиқаси тарихини билдик. Ўзбек мусиқаси асосида вужудга келган янги жанрлар, уларнинг яратилиш тарихи ҳақидаги тўла маълумотлар институт олимлари томонидан илмий асосда исботлаб берилди. Лекин яратилган илмий асарларнинг деярли 90 фоизи рус тилида нашр қилиниши, кенг халқ оммасига кириб бормаслиги бош вазифанинг бажарилишига салбий таъсирини ўтказди. Мана бугун ўша камчиликларни тўлдириш вақти етди.

Тарбиядаги учлик, яъни оила, мактаб ва жамоатчиликнинг мусиқа тарбиясида алоҳида ўрни бор. Уларнинг ўзаро уйғунлигигина ижобий самара беради. Аввалги даврларда кўпчилик ўзбек оилаларида имкониятидан келиб чиқиб, бирор миллий чолғу асбоби бўларди. Гап-гаштакларда, турли маросимларда аёллар ўзлари алоҳида бўлиб, турли лапарлар, термалар, қўшиқлар айтиб, рақсга тушардилар. Шубҳасиз, кўпроқ оналари билан бўлган болалар миллий қўшиқ ва рақсларни кўриб тарбия топишарди. Ҳозир эса бундай тадбирлар юқорида айтилган тарзда ўтмайди. Демак, болалар уйда анъанавий мусиқа намуналаридан бебаҳра ўсмоқдалар.

Инсонни мусиқа санъатига муҳаббат руҳида тарбиялашда оиланинг алоҳида роли бор. Фарзандлар мусиқа тинглаш, у билан шуғулланишни қанча эрта бошласалар, шу гўзал санъатга мойиллик ва эҳтиёж шунчалик тез, мукаммал ривожланиб боради. Шунингдек, маълум мусиқа асарини оила даврасида муҳокама қилишнинг ҳам ўзига яраша афзалликлари бор: одам санъат ҳақидаги тушунчага қанча барвақт эга бўлса, мусиқий мушоҳада қобилияти шунча эрта шаклланади.

Жамоатчилик ўртасида олиб бориладиган мусиқа тарбиясига оид ишлар эса ўз ечимини кутиб ётибди.

Ҳамма соҳаларда бўлгани каби мусиқа соҳасида ҳам кенг халқ оммасига хизмат қилувчи бадиий жамоалар режа-дастурга эга бўлиши ва шу асосда иш кўрмоғи лозим. Аммо кўпчилик ёш ансамбларда бадиийликдан асар йўқ. Бунинг устига уларда саҳна маданияти етишмайди.

Санъаткор ўз ижроси билан кишиларга маънавий озиқ берар экан, бунинг учун ўзи маънавий пок, ахлоқан баркамол бўлиши лозим.

Олтмишинчи йилларда Ғарбда «Конкрет» мусиқа, «Электрон» мусиқа, «Додекафон» мусиқа оқимлари расм тусига кириб қолди. «Мусиқа» деб аталган бу оқимларнинг номлари турлича бўлса-да, уларнинг моҳияти бир бўлиб, мусиқа одамдан ва унинг ички дунёсидан ажратиб олинган эди.

Масалан, додекафон мусиқа (грекча «додека» — ўн икки ва «фон» — овоз сўзларидан олинган) математик қоидаларга қаттиқ риоя қилиб ёзилади. Бу қоиданинг ўзгармас принципи шундан иборатки, олдин ишлатилган товуш, қолган ўн битта товушнинг ҳаммасидан фойдаланиб бўлмагунча такрорланиши мумкин эмас. Бундай мусиқада маъно ва мазмун эмас, балки система биринчи ўринда туради.

«Конкрет» мусиқада кўча шовқини магнитофонга ёзилади, сўнгра лента тескарисига қайтадан айлантирилади-ю, шу билан асар тайёр бўлади. Асарнинг таъсир кучини ошириш учун бир вақтнинг ўзида иккита лентага ёзиб олинган шовқинлар лентаси тескарисига қайтадан ёзиб олиниши мумкин.

Бундай асарларни Ғарбда қанча мақтаб кўкларга кўтармасинлар, барибир, оддий тингловчилар уларни «ҳазм» қила олмадилар. Афсуски, бугунга келиб ўша ғарбдаги ҳолат республикамизнинг кўп жойларида учрамоқда. Буни тезда олди олинмас экан, кейинчалик тузатиб бўлмас салбий оқибатларни келтириб чиқариши тайин.

Халқимизни мусиқа санъати билан яқиндан таништиришда Ўзбекистон радио ва телевидение компаниясининг роли жуда катта. Ўзбекистон радиоси ижодий жамоалари, айниқса, мусиқали эшиттиришлар таҳририяти миллий қадриятларимизга монанд, халқ меросидан келиб чиқиб дастурлар тайёрлаётгани таҳсинга сазовор. Шу билан бирга, радионинг бой имкониятларидан келиб чиқиб, жаҳон мусиқа хазинасидаги нодир асарлар, шунингдек, ўзбек мусиқасидаги янги, миллий руҳ акс этган опера, балет, симфония, хор асарлари ва бошқалар қиёсий ўрганилиб, туркум эшиттиришлар тайёрланса, уларнинг моҳияти атрофлича таҳлил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Телевидениеда эса ранг-баранг кўрсатувлар учун шарт-шароитлар янада етарли. Кўпчилик мусиқали кўрсатувлар таҳририяти томонидан тайёрланган дастурларни томоша қилади. Кейинги вақтларда бу кўрсатувларда мазмунан ранг-барангликка, ўзига хосликка интилиш сезилаётган бўлса-да, ҳали ечимини кутаётган муаммолар бир талай.

Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўляптики, мусиқали кўрсатувлар таҳририятида, кўрсатув тайёрловчи режиссёрларга боғлиқ муаммолар кўпроққа ўхшайди. Назаримда, бирор мусиқа асбобини моҳирона чала оладиган, шунингдек, бой мусиқа меросимизни ҳар тарафлама билган ҳамда журналистикадан хабардор ва ўз ишига фидоий режиссёрлангина юксак савиядаги кўрсатувлар кутиш мумкин.

Ёдингизда бўлса, етмишинчи йилларда атрофлича таҳлил қилиниб, бадиий кенгаш томонидан кўриб чиқилган концертлар, турли тематик мусиқали кўрсатувлар, «Зеҳн», «Доира рақсга чорлайди», «Марҳабо, талантлар» телевизион конкурслари, «Мақом кечаси», «Дирижёр ҳикоя қилади», «Бастакор ва композиторлар ижодий портрети», «Иккинчи истеъдод эгалари» ва бошқа туркум кўрсатувлар тайёрланардики, кенг халқ оммаси бу кўрсатувлардан олам-олам маънавий ва эстетик завқ оларди. Шу билан бирга, бой ўзбек мусиқа меросини тарғибот қилишда уларнинг аҳамияти катта эди. Ҳозирда ўшандай кўрсатувларга эҳтиёж сезилмоқда. «Мактаб қуйласа, бутун мамлакат қуйлайди», деган яхши ибора бор. Бинобарин, ёшларни маънавий бой ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда мусиқа тарбиясининг ўрни алоҳида ажралиб туради. Машҳур композитор Ю. А. Шапорин шундай деган эди: «Қайси санъат мусиқа сингари оламзодни бунчалик яқинлаштира олади! Унинг тили ҳамма учун тушунарли. Халқларнинг куй-қўшиқлари, ажойиб композиторларимизнинг ижоди бизга ўша халқнинг севинчи, қувончи, қайғуси ҳақида сўзлаб беради...

Мусиқани тушуна билиш ҳаётдаги гўзалликнинг асл маъносини билишга, одамзод интилаётган энг юксак камолотни фаҳмлашга катта ёрдам беради».

Хўш, республикамиз мактабларида мусиқа тарбиясининг аҳволи қандай? Очиғи, кўпчилик мактабларда, айниқса, қишлоқ жойларида мусиқа дарси умуман ўтилмайди. Мусиқа дарсини олиб боришга шарт-шароитлар мавжуд бўлган жойларда эса, махсус мусиқа маълумотига эга ўқитувчи топилмайди. Мусиқа соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ҳам дарсни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда. Ўқитувчиларнинг аксарияти чолғу асбобини созлашни билмайдилар, товушларнинг паст-баландлигини, гармоник жарангини ҳис қила олмайдилар. Бундай ўқитувчилар, албатта, мактабларда мусиқадан дарс беришга, бинобарин, ўқувчиларни мусиқий-эстетик руҳда тарбиялашга қодир эмаслар.

Агар Ўзбекистон халқ таълими вазирлигидаги масъул ўртоқлар бу масалани атрофлича ўрганиб чиқсалар ва унинг натижасига қараб мутахассислар тайёрлаш режалаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Республикамизда мавжуд санъат мутахассислари тайёрлайдиган ҳар бир ўқув юртининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаси бўлиб, улар ўз соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайдилар.

Жумладан Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси республикамизда мусиқа санъатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. 1972 йили консерватория қошида «Шарқ мусиқаси» кафедрасининг очилиши ва бу ерда ўзбек халқ мусиқа меросини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан пухта ўқитилиши орқали ўзбек миллий мусиқа меросимиз ўзлигини топди. Ҳозирда бу кафедранинг собиқ талабалари республикамизда ўзбек халқ мусиқа меросини тарғиб ва ташвиқ қилишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Республикамизнинг 3—4 та педагогика институтларида «Мусиқа» факултетлари, бир неча педагогика билим юртларида «Мусиқа» бўлимлари мавжуд бўлиб, улар ёш авлодни маънавий баркамол кишилар қилиб тарбиялаш йўлида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Мустақиллик шарофати билан ҳамма соҳаларда бўлгани каби, мусиқа ўқитувчилари, мусиқа тарбиячилари тайёрлашда ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Галдаги вазифа — мутахассисларни ҳар томонлама пухта, жаҳон стандарди талабларига мос келадиган юксак савияда тайёрлашдир. Республикамиздаги барча Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида олиб бориладиган факултатив дарслар қаторига мусиқа сабоғидан ҳам соатлар киритилиб, шу соҳани эгаллаган махсус кишилар жалб қилинса, аввало, ўзбек халқ мусиқа меросига, қолаверса, мусиқадаги янги жанрларни фарқлай оладиган кишилар тайёрлашга катта нафи тегарди.

Мактабда мусиқа дарслари ва дарсдан ташқари турли тўгаракларни олиб бориш бўйича тузилган концепцияда миллийликдан келиб чиқиб ўқувчиларга мусиқа сабоғи беришда бой ўзбек мусиқа меросимизни босқичма-босқич ўргатиб бориш бош масала қилиб белгиланган. 1993 йил мактаб ўқитувчилари учун алоҳида қувончли бўлди. Бир неча йиллар мобайнида нашриётда ўз навбатини кутиб ётган, мусиқа таълими моҳир услубиётчилари, шу соҳанинг пухта билимдонлари, республикада кўзга кўринган мутахассислардан Дарвин Омонуллаев, Оқилхон Иброҳимов, Шермат Ёрматов муаллифлигида саккизинчи синфлар учун «Мусиқа» дарслиги чоп этилди.

Дарслик аввалгилардан шуниси билан фарқ қиладики, унда халқ мусиқа санъати, бастакорлик ва композиторлик ижодиёти, услублар, мусиқанинг ифода воситалари (мусиқа нутқи ва оҳанги), классик мусиқанинг моҳияти каби мусиқа санъатининг ўзига хос қонуниятлари ҳақида тушунчалар берилган.

Аввалги йилларда ўзбек халқининг бой маданий меросини ҳаётга ҳар томонлама кенг тадбиқ этиш мақсадида «Мерос» дастури ишлаб чиқилган эди. Дастурда санъат институтларини фақат марказга йиғмай, балки республикамиз воҳаларида ҳам очиш масаласи қўйилганди. Агар бу ишни амалга ошириш имкони бўлганда эди, ҳар бир воҳанинг ўз маданий меросидан келиб чиқиб, назарий ва амалий томонларини илмий асосда ўрганиш имконияти вужудга келарди.

Негадир, республикамиз шароитини мукаммал ўрганиб, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган «Мерос» дастури қумга сув қуйгандек изсиз кетди. Бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш лозим.

Хулоса шуки, «Мусиқа тарбияси — бу фақат мусиқачини тарбиялаш эмас, балки биринчи галда инсонни тарбиялаш демакдир», деганида В. А. Сухомлинский тамомила ҳақли эди.

**Ҳусанбой БОЙМИРЗАЕВ,**
**Наманган педагогика билим юрти ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси**

***Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори, ажойиб рақкоса, ёшларнинг меҳрибон мураббияси Розия Каримова эл орасида алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган санъаткорлардан.***



***Дастлаб ажойиб рақкоса сифатида эл эътиборига тушган Розия опа кейинчалик бўлажак санъаткорлар учун зарур қўлланмалар муаллифи, ёшларнинг меҳнаткаш устози сифатида ҳурмат қозонди. Рақс санъати, унинг жонкуярлари ҳақида ўндан ортиқ китоб ёзди, матбуотда жуда кўп мақолалари билан чиқди, ҳозир ҳам бу санъаткор қаламини қўлдан қўйгани йўқ!***

***Ўзбек миллий рақс санъатининг йирик билимдонларидан бири Розия Каримова ўзларининг 80 баҳорларини қаршилаб турибди. Ана шу қутлуғ тўй арафасида биз анъанадан четга чиқиб Розия опанинг ўзларига сўз беришга қарор қилдик. Қуйида у кишининг юрак сўзларини ўқийсиз.***

*Розия КАРИМОВА:*

# МЕН ЎЗБЕК ҚИЗИМАН

Туққан эмас, боққан ҳисоб дейдилар. Бағри кенг, меҳри дарё ва шафқатли ўзбек халқи минг-минглаб етим-есирларнинг бошини силаган. Ота-онадан уч ёшимда етим қолган мени ҳам шу халқ боқиб, тарбиялаб, вояга етказди, ҳунар берди, гўзал санъат гулшанига етаклади. Санъатда бахтимни топдим.

Дастлаб ибтидоий мактабда таълим олдим. Кейин Фарғона педагогика билим юртида ўқидим. У ердан 1929 йили Самарқанд мусиқали театри қошида очилган студияга келдим. Ана шу ердан ҳақиқий ижодий фаолиятим бошланди. Уста Олим Комилов билан Тамарахонимдан рақс сирларини ўргандим. Рақкоса, балетмейстер сифатида элга танилдим. Ўзбек рақслари муаллимаси даражасига кўтарилдим.

Ишни дастлаб Самарқанддаги мусиқали театрда яккахон рақкоса ва ашулали роллар ижрочиси сифатида бошладим. Мазкур театр опера ва балет театрига айлангандан сўнг «Гулсара» операсида Асал, «Бўрон»да Кумушой, «Кармен»да Фраскита, «Даврон ота»да Наташа ролларида ўйнадим, «Гуландом», «Шоҳида». «Оқбилак», «Озодачеҳра» ва бошқа балетларда бош ролларни ижро этдим.

Ҳамма ўйнаган, саҳналаштирган рақсларимни айтсам адо бўлмайди. Улар бир дунё, ҳаммаси мен учун азиз, қадрли. Миллий рақс муаллимаси сифатида ҳам шу вақтга қадар меҳнат қилиб келяпман. 1932 йилдан буён рақсдан дарс бераман. Ҳозир Тошкент хореография билим юртидаман. Муаллимлар ва ҳаваскор балетмейстерлар учун бир қанча махсус семинарлар ўтказдим. Умуман, менда таълим олганларнинг ҳисобига етиш қийин. Фақат шуни фахр билан айтишим мумкинки, мендан ўзбек рақсини ўрганганлар орасида Бернора Қориева, Иброҳим Юсупов, Дилафрўз Жабборова, Вилоят Оқилова, Акбар Мўминов, Раъно Низомова, Қодир Мўминов, Қўрқмас Соатов, Шокир Аҳмедов, Дилбар Абдуллаева, Равшаной Шарипова, Тамара Каскова, Карима Узоқова, Муҳаббат Абдуллаева каби мамлакатимизга донғи кетган машҳур рақкосалар, балет усталари бор. Уларнинг юқори унвонларга, доцент ва профессорлик даражаларига етишганларидан беҳад мамнунман.

Муқимий номидаги республика мусиқали театрида, Фарғона, Андижон вилоят театрларида, Ўшдаги ўзбек театри ва Алматидаги уйғур театрида бир қанча спектаклларнинг рақсларини саҳналаштирдим.

Хореография билим юртида муаллимликни бошлаган кезларим ўзбек рақсидан бирон қўлланма ёки дарслик йўқлигидан қийналдим. Кейин шу ишни амалга оширишга бел боғладим. Рақс санъати тарихида биринчилардан бўлиб ўзбек рақслари бўйича қўлланмалар, тўпламлар ярата бошладим. Дастлаб, Фарғона, Бухоро ва Хоразм рақслари бўйича ёзилган қўлланмаларим нашр этилди. Сўнгра Мукаррама Турғунбоева, Исохор Оқилов яратган рақсларни ёзиб, китоб ҳолига келтирдим. Хуллас, келгуси авлод учун XX асрда яратилган ўзбек саҳна рақсини баҳоли қудрат қоғозга кўчириб қолдираётганимдан беҳад хурсандман. Вақтли матбуот орқали ҳам рақс санъатини, рақс усталарини қўлимдан келганича тарғиб қилиб келяпман.

Менинг камтарона хизматларимни Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти «Ўзбекистон халқ артисти» унвони, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан сийлади. Худога шукур, тақдиримдан розиман. Уз фарзандлари қаторида мени вояга етказиб, шундай мартабаларга эриштирган ўзбек халқига, менинг жонажон халқимга таъзим қиламан. Ўзбекистон — Ватаним, ўзбек халқини меҳрибон ота-онам деб биламан. Узимни ўзбек қизи деб биламан. Опам Тошкентда, мен Қозонда туғилган эканмиз. Аммо тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолдик ва шу тупроқнинг фарзанди бўлиб кетдик. Мени дунёга келтирган муштипарларимнинг жойлари жаннатда бўлсин. Аммо ўзим — ўзбек, она тилим — ўзбек тили. Руҳан ўзбекман. Бутун истеъдодим, шуурим, умримни бахшида этганим ўзбек санъатидир.

Жаннатмакон, серқуёш Ўзбекистонимизни мустақилликка етказган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай ишлаётган улуғимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовга худойим умр берсин, мурод-мақсадларига етсин. Мустақил мамлакатимиз гуллаб-яшнасин. Халқим — ўзбек халқи бахтли-саодатли, ҳамиша юзи ёруғ бўлсин.

*Турсун ЖАББОР*

## ОНАЖОНИМ, ЎЗБЕКИСТОН!

**ЯККА:**
**Қуёшнинг зар ёғду сочганда,**
**Нурларингдан эмдим, эй Ватан!**
**Сокин тунлар қучоқ очганда,**
**Ой-юлдузинг сирли бир чаман.**
**ХОР:**
**Ҳар йил сени олқишлаб Баҳор,**
**Гулга ўраб кўйлак кийгизди;**
**Халқинг унга йиллаб, тун-наҳор**
**Муҳаббатнинг нақшини чизди.**
**ЯККА:**
**Сув-ҳавойинг жо бўлиб танга,**
**Ватан, сенга меҳримни қўйдим,**
**Еллар бошим силаб ўтганда,**
**Онам бағрим буйини туйдим.**

**ХОР:**
**Диллар яйрар ҳуснингга боқиб,**
**Оғушингда биз олдик пардоз,**
**Қушлар эркин қанотин қоқиб,**
**Осмонингда этади парвоз.**
**ЯККА:**
**Тарихинг ҳам берди кўп сабоқ**
**Жаҳонгиру доноларингдан,**
**Билим, мардлик йўлида маёқ —**
**Жалолиддин, Синоларингдан.**
**Хор:**
**Тоғ-чўлларинг мафтункор, табиб:**
**Сув-гиёҳи минг дардга даво.**
**Тупроғингда «олтин» ундириб,**
**Қалбларимиз бўлур мусаффо.**
**ЯККА:**
**Кипригингга гард юқмасин ҳеч,**
**Истиқлол ёр, Ўзбекистоним!**
**Эркалатдинг, ўсдим эрта-кеч,**
**Қурбон сенга тандаги жоним.**
**ХОР:**
**Истиқлол-чун боғладик камар,**
**Ғайратимиз сиғмайди танга.**
**Амрингга биз ҳамиша тайёр,**
**Мақсадимиз — хизмат Ватанга.**

# УСТАЛАРНИНГ УСТАСИ

Халқ усталарининг маркази «Усто» бирлашмаси Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда фаолият кўрсатаётган усталар иши шаҳарликларнинг ҳам, четдан келганларнинг ҳам ҳамиша диққат марказида. Хоразмлик ганчкор усталар орасида ўрта бўйли, чеҳрасидан самимият балқиб турган думалоқ юзли бир одамни тез-тез учратиш мумкин. Бу одамни оддийгина қилиб «бизнинг Озод ака» дейишади. У усталар ишини доимо кузатиб боради, муваффақиятларидан қувониб, ташвишларидан озор чекади, сўзи ва иши билан барчага бирдек ёрдам беради.

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси, санъатшунос Озод Султонов бирлашманинг энг кекса ишчиларидан. Бирлашма ташкил этилгандан бошлаб Хоразм усталари бўлимига муттасил раҳбарлик қилиб келмоқда. Озод ака иш бошлаганида Хоразмда фақат тўққизта уста — битта кулол, қолганлари ганч ўймакорлари эди. Бугунга келиб у ганчкорлардан учта, монументал тасвир бўйича битта, ёғоч ўймакорлигидан иккита, гилам тўқувчилардан битта, кулоллардан учта гуруҳ ташкил қилишга муваффақ бўлди. Буларга Эшмурод Сапаев, Раимберди Матжонов ва Отажон Матёқубов каби усталар раҳнамолик қилдилар. Озод ёшлигидан рассом бўлишни орзу қиларди. Унинг суратчи сифатида шаклланишида тоғаси Тожибой Жуманиёзовнинг таъсири катта бўлди. Еттинчи синфда ўқиб юрганида бутун синф бўлиб Хива, Кўҳна Урганч, Тупроққалъа каби қадимий масканларда бўлдилар. У ерлардаги қадимий архитектура ва миллий санъат намуналари ёш йигитчада жуда катта таассурот қолдирди. Мактабни тугатгач, Островский (ҳозирги Маннон Уйғур) номидаги Санъат институтининг санъат назарияси ва тарихи бўлимига ўқишга кирди. Институтга киргунга қадар машҳур Ато Полвонов устахонасида таҳсил олишга муваффақ бўлган эди. Ўймакор уста Сапо Боғибеков ва кулол Раимберди Матжонов билан танишади. Шу усталарнинг ишларини фотосуратларга туширади, улар ҳақида маҳаллий ва республика матбуотида мақолалар эълон қилади.

Диплом ишини муваффақиятли ёқлагач, йўлланма билан Хивадаги Ичон қалъа музейига ишга борди. Армияда хизмат қилиб қайтгач, музейдаги ишини яна давом эттирди. Шу билан бир вақтда Урганч бадиий фонди қошида халқ усталари билан биргаликда ишлашни давом эттириб, миллий санъат асарларини тўплади ва уларни Москва, Тошкент , Рига шаҳарларига жўнатди. Ниҳоят, «Усто» бирлашмаси ташкил этилганидан сўнг, Хоразм бўлимига раҳбар этиб тайинланди ва энди унинг халқ амалий санъати намуналарини тарғиб қилиш, оммалаштириш борасидаги фаолияти учун кенг йўл очилди. Хоразмлик усталар Озод ака раҳбарлигида жуда кўп маданий-маъмурий биноларни, жумладан, Москвадаги «Ўзбекистон» ресторани, Пермдаги Металлургия заводи Маданият саройини, Юрмаладаги «Ўзбекистон» ресторани, Чимкент вилоятидаги Маданият саройи, пойтахт марказидаги Биржа маркази, Хоразмдаги «Интурист» меҳмонхонасининг фойеси ва бошқа кўплаб объектларни безаш ишларида қатнашдилар. Бундай биноларнинг санаб саноғига етиш қийин.



Хоразм усталари ишида Хива услубига қатъий риоя қилинади. Ҳар бир катта ишда ганч ўймакорлиги, кулолчилик, монументал тасвир, ёғоч ўймакорлиги ва бошқа халқ санъати турларининг уйғунлигига эришишга ҳаракат қиладилар.

Озод акани болалигиданоқ бўёқларнинг тайёрланиши, ранглларнинг ўзига хос жилоси сабаблари қизиқтирарди. Кекса усталар эса бунинг сири бўёқ ва хомашё таркиби билан боғлиқ дердилар. Шунинг учун Озод Султонов кулол Эшмурод Сапаев билан чўлларга бориб, қадимги усталар ишлатган бўёқлар учун зарур бўлган ўтларни излайди. Кўплар бундай ўтлар аллақачонлар йўқ бўлиб кетган, деб ҳисоблардилар. Бироқ жуда кўп изланишлардан сўнг «чоған» номли ўтни топишди. Бир неча жиддий тажрибалардан сўнг бўёқ тайёрлашнинг унутилган ва йўқотиб юборилган технологиясини тиклашга муваффақ бўлдилар.

Хоразм усталарининг ишларига чет элларда қизиқиш ниҳоятда катта. Улар АҚШ, Франция, Италия, Япония каби мамлакатларда намойиш этилган. Озод Султоновнинг шахсан ўзи халқ санъати асарлари кўргазма-ярмаркасини ташкил этиб, Малайзияга олиб борди. Ҳозир у кулолчилик билан жиддий шуғулланиб, кўзалар, лаганлар, чойнаклар ишламоқда. Болгарияда ўтган кулоллар кўргазмасининг дипломи билан тақдирланган.

Тиним билмас халқ устасининг ҳаёти ва ижодий фаолияти жуда кўпларни қизиқтиради. Шунинг учун ҳам у ва унинг бўлимидаги усталар ҳақида ҳужжатли филм суратга олинган. Тошкентда ўтган халқ усталарининг республика кўргазма-ярмаркасида хоразмлик усталар ишлаган буюмлар юқори баҳоланди. Айниқса, Матжонов, Отажонов, Боғбеков, Машарипов каби қўли гул усталар ишлари кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди. Бунда албатта, Озод Султоновнинг ҳиссаси бор. Ўз ишини ниҳоятда севган, санъаткорона асарлар муаллифи бўлган бу халқ устаси бутун қалб қўрини, юрак тафтини ишларига бахшида этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам у ҳамиша халқ назарида, эътиборида.

**С. НЕМЦОВИЧ,**
**санъатшунос**

*Янги томоша*

## «БИЗНИНГ ШАҲАРЧА»

Асримизнинг йирик ёзувчиларидан бири — америкалик ижодкор Торнтон Уайлдерни китобхонлар «Қирол Муқаддас Людовик кўприги», «Саккизинчи кун», «Теофил Норт» ва бошқа романлари орқали яхши танийдилар. Лекин Уайлдер фақат ажойиб романнависгина эмас, катта драматург ҳамдир.

Т. Уайлдер ижодининг ана шу қиррасини томошабинларга очиб бериш мақсадида М. Горкий номидаги Давлат рус академик драма театри ижодкорлари биринчи марта «Бизнинг шаҳарча» пиесасини саҳнага олиб чиқдилар. Америка театрининг классик репертуаридан мустаҳкам ўрин олган бу асар жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари саҳнасида муваффақиятли намойиш этилмоқда.

Драма бошдан охиригача хотиралар асосига қурилган. Пиеса воқеалари Американинг кичик шаҳарларидан бири — Гроверз-Конерда бўлиб ўтади. Шаҳарча бир вақтнинг ўзида асарнинг бош қаҳрамони ҳамдир. Чунки Американинг ўтмиши ҳақиқатан ҳам бу шаҳар номи билан боғлиқ.

Постановкачи режиссёр Борзу Абдураззоқов. Спектаклнинг ҳар бир саҳнаси илиқ инсоний муносабатлар билан йўғрилган. Марина Садиева танлаган кийим-кечаклар спектаклда турли ролларни маромига етказиб ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар В. Цветков, Ф. Мақсудов, Н.Сундукова, артистлар О. Галахов, А. Дубровин, Л. Якубова, Л. Стотская, А. Панченко, Т. Аванесянс, Н. Иванов. О. Овчинникова, С. Заботин, К. Мошченко ва бошқаларга ниҳоятда мос тушган. Спектакл театр ихлосмандларида қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

**В. ОСТРОВСКИЙ**

*Янги номлар*

# ЧОРЧАМАНДАН ЧИҚҚАН НАВО



Қўшиқ санъатининг сирли халқалари қадим-қадимлардан садо бераётган оҳангларга бориб туташади. Бу оҳангларда қанча-қанча авлодларимизнинг гоҳ мунгли, гоҳ шодон кайфиятлари муҳрланиб қолган. Ана шулар аста жам бўлиб, эзгу куйлар, мумтоз қўшиқлар тарзида ёдгорликка айланди. Шаҳрихонлик хонанда Толибжон Зокиров ҳам ўша ўтмишдошларимиздан мерос қолган куй-қўшиқлар шайдоси. Унинг дардли, киши қалбининг нозик торларини чертиб ўтгувчи қўшиқларида онага зор фарзанд ноласи, юрагида армонлар қат-қат йиғилган инсон кечинмалари акс этади. Унинг қўшиқларидаги бундай ғамгин оҳанглар сабабини сўраганимда, Толибжон оғир хўрсиниб, шундай деди: «Қўшиқ аслида менга акамдан ёдгорлик. Биз оилавий «Дунё» ансамблини туздик. Акам — Қаҳрамон, укаларим Ғолибжон, Иқболжон билан янги-янги қўшиқлар яратиб, халқимиз хизматида бўлдик. Репертуаримиздаги қўшиқлар сони ошиб, мухлисларимиз кўпая бошлади. Яратганнинг берган умри тугадими, Қаҳрамон акам автомобил ҳалокатидан вафот этди. У яратган, яратиб куйлолмаган қўшиқлари юрагида мангуга қолиб кетди. Ушалмаган орзулари қолди бўй чўзиб. «Қорасоч», «Раъно» қўшиқларини яратди-ю, айтишга улгуролмади.

**Қорасочинг қамчилади,**
**кетдинг ёрим,**
**Кўздан ёшинг томчилади,**
**кетдинг ёрим.**

Кейин ҳаёт бизни яна ўзининг бир синовидан ўтказди. Фарзанд доғини кўтара олмаган Онамиз оламдан ўтдилар. Шунинг учун хоҳ саҳнада, хоҳ халқ йиғинларида бўлсин, қўшиқ куйлаётганимда кўз олдимда акам ва онам туради.

**Куйласам, куй тирнар**
**битмас ярамни,**
**Ҳеч ёғду ёритмас ғамли**
**хонамни,**
**Ҳажрингиз сизга жуфт**
**қилди онамни,**
**Ҳасрати ўт-олов шўрлик**
**жигарим.**

Уйланиб, фарзанд кўргач, акамнинг руҳини шод айлаб, исмини Қаҳрамон қўйдим. Санъаткорлар сулоласи Зокировлар санъатини севганлигим сабабли, ўғилларим исмини Ботиржон, Фаррух деб атадим. «Яхши ният — ярим дунё» дейишади доно халқимиз. Ажабмаски, фарзандларимга ўша санъаткорлар йўлини берса... Турсуной Содиқова, Холдор Вулқон, Зуҳриддин Исмоилов шеърларига мурожаат қиламан кўпроқ. Муҳаммад Юсуфнинг «Қиёмат» шеърига ҳам куй басталаб ижро этганман. «Афғонистон қурбонларига», «Замон бу» қўшиқлари билан водий бўйлаб ўтказилган «Истеъдод-90» танловининг совриндори бўлганмиз. «Камолот-91», «Истеъдод-92» вилоят танловларида фахрий ёрлиқлар эгаси бўлдик. Биз биринчи навбатда ижрода табиийликка, самимийликка эътибор берамиз, халқ орасида хайрия кечалари ўтказиб турамиз. Хорижий мусиқаларга тақлиддан қочамиз. Қани, шундай бир қўшиқ яратсак, унда бу гўзал ва ажиб, дардли дунёнинг бор кўриниши жамланган бўлса, халқ эса ўша қўшиғимизни худди оналарнинг алласи мисол севиб тингласа...»

Шаҳрихоннинг Чорчаман маҳалласидан вулқон мисол отилиб чиққан бу оилавий ансамблнинг орзулари улкан, ниятлари пок. Бутун Ўзбекистонимиз бўйлаб ўтаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» вилоят қўшиқ танловида қатнашиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Ҳозирда ансамбл қатнашчилари ўз дастурларини янги қўшиқлар билан бойитиш устида изланмоқдалар. Тинимсиз изланиш, тунни тонгларга улаб қилинган меҳнатлари, албатта, бесамар бўлмаслигига ишонамиз. Қўшиқлари билан инсон қалбига йўл излаётган «Дунё» ансамблига оқ йўл тилаймиз. «ДУНЁ»ингизни дунё танисин.

**Нилуфар ДАВИДОВА**

